

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МИРЗААБДУЛЛАХОЖИЕВА ОДИНА УСМОНЖОН ҚИЗИ

**СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ В ЛАРДА ВИРУСГА ҚАРШИ
ЖАВОБНИНГ ИММУНОГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИ ВА
ҲОМИЛАДОРЛИК АСОРАТЛАРИНИНГ КОМПЛЕКС
ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.01- Акушерлик ва гинекология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)

БУХОРО -2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мирзаабдуллахожиева Одина Усмонжон Қизи

Сурункали вирусли гепатит В ларда вирусга қарши жавобнинг
иммуногенетик механизмлари ва ҳомиладорлик асоратларининг
комплекс профилактикаси..... 3

Мирзаабдуллахожиева Одина Усмонжон Қизи

Иммуногенетические механизмы противовирусного ответа и
комплексная профилактика осложнений беременности при хронических
вирусных гепатитах В 30

Mirzaabdullakhozhieva Odina Usmonjon Qizi

Immunogenetic mechanisms of antiviral response and complex prevention of
pregnancy complications in chronic viral hepatitis B
..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 58

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.31.02РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МИРЗААБДУЛЛАХОЖИЕВА ОДИНА УСМОНЖОН ҚИЗИ

**СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ В ЛАРДА ВИРУСГА ҚАРШИ
ЖАВОБНИНГ ИММУНОГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИ ВА
ҲОМИЛАДОРЛИК АСОРАТЛАРИНИНГ КОМПЛЕКС
ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.01- Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib815 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Зуфарова Шахноза Алимджановна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:
тиббиёт фанлари доктори, профессор

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.31.02 рақамли илмий кенгашнинг 20__ йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ кунни тарқатилган.

(2023 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Д.Т.Ходжиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори DSc, доцент

Г.А.Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра «... парентерал вирусли гепатитлар (ВГ) замонавий гепатологиянинг ва инсон юқумли патологиясининг энг муҳим муаммоларидан биридир, чунки улар ер шарида ўсиш суръатлари ва тарқалиш масштаби жиҳатидан бошқа инфекциялар билан касалланишдан сезиларли даражада юқори. ЖССТ баҳолашларига кўра, 2019 йилда дунёда сурункали гепатит В (СГВ) билан яшаётган 296 миллион киши ҳисобга олинган, бунда ҳар йили тахминан 1,5 миллион янги инфекцияланиш ҳолатлари содир бўлади. 2019 йилда гепатит В билан 820 000 киши асосан жигар циррози ва гепатоцеллюляр карцинома (бирламчи жигар саратони) натижасида вафот этган»¹. Ҳомиладор аёлларда гепатит В га нисбатан антитаналарнинг аниқланиш частотаси Фарбий Европа, АҚШ, Япония ва Австралияда 1-2,5% дан Африка ва Яқин Шарқнинг айрим мамлакатларида 10% ва ундан юқори ўзгариши кузатилади. Акушерлик патологияси кўпинча гестозлар, ҳомиланинг ўз-ўзидан тушиши, ҳомиладорликнинг тўхташи ва муддатдан олдин туғруқ хавфи, фетоплацентар етишмовчилик, плацентанинг муддатдан олдин кўчиши, янги туғилган чақалоқларнинг гипоксияси ва гипотрофияси, ўлик туғилиш шаклида намоён бўлади. Гепатит В ва унинг асоратларини аниқлаш, ташҳислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича кўп сонли изланишлар ва маълум бир натижаларга эришилганига қарамадан, ушбу патологияли ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликни олиб боришнинг ягона тактикаси ва бундай пациентларда ҳомиладорлик ва туғруқнинг кечиши ва натижаларини башорат қилишнинг ишончли тамойиллари мавжуд эмас.

СГВ да ҳомиладорликнинг асоратларини олдини олиш бўйича чоратадбирлар самарадорлигини ошириш учун дунёда кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, вирусга қарши жавобнинг иммуногенетик механизмларини ўрганишга эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда ҳомиладорлик пайтида гепатитнинг кечиши тобора кўпроқ муҳокама қилинмоқда, бунда жигарга юкламалар сезиларли даражада ошади. Ҳомиладорлик пайтида жигарнинг оксил синтезловчи ва детоксикацияловчи фаоллиги ошади, эстрогенлар концентрациясининг сезиларли даражада ошиши эса унга стресс омилларининг таъсирини кучайтиради. Ҳозирги вақтда жигарнинг сурункали касалликларининг патогенезида цитокин тизимининг роли, шунингдек, организмнинг бошқа тартибга солувчи тизимлари билан ўзаро таъсир механизмлари тадқиқотчилар эътиборини тобора кўпроқ жалб қилмоқда. Иммуно тизимининг функциялари генетик назорат остида бўлганлиги сабабли, айниқса ҳомиладорлик пайтида аёлларда вирусли инфекцияларнинг сурункалилашувининг ва СГВ нинг прогрессияланишининг авж олишининг иммуногенетик жиҳатлари тўғрисидаги савол ўринли бўлиб ҳисобланади. Ҳомиладор аёлларда ушбу

¹ <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/hepatitis-b,2021>

патологик ҳолатлар перинатал асоратларнинг юқори частотаси билан ассоциирланган. Ҳомиладор аёлларда хавфсиз бўлган дорилар доираси жуда тор бўлиб, бу ушбу ҳолатларни даволашдаги қийинчиликларни ва ҳомиладорлик даври учун “идеал” даволаш усуллари тўхтовсиз изланишини асослайди. Шундай қилиб, тадқиқотчиларнинг ушбу масалаларга бўлган қизиқишининг ортиши шуни кўрсатадики, СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда жигар касалликларини ташхислаш ва даволаш муаммоси ҳали ҳам яқуний ечимидан узоқдир.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 2-ноябрдаги “2016-2020-йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2650-сон ва 2017-йил 20-июндаги “Ўзбекистон республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сонли қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни маълум даражада амалга оширишга қаратилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Вирусли гепатитлар дунёда соғлиқни сақлашнинг энг долзарб ва мураккаб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. [Ford N., Kirby C, Singh K. et al., 2012]. Инфекциянинг сурункалилашувининг юқори частотаси барча ҳудудларда касалликнинг кенг тарқалишига олиб келади, жигар циррози ва гепатоцеллюляр карциноманинг ривожланиши билан прогрессияланишининг эҳтимоли гепатит В ни тиббий, ижтимоий ва иқтисодий муаммо даражасига кўтаради.

HBV билан касалланиш муқаррар равишда репродуктив ёшдаги аёлларнинг, шу жумладан ҳомиладор аёлларнинг эпидемик жараёнга жалб қилинишига олиб келади. [Neumann-Haefelin C, Blum H.E., Chisari F.V. et al., 2015]. Гепатит В - ҳомиладор аёлларда энг кўп учрайдиган инфекциялардан биридир, шунга боғлиқ ҳолда илмий тиббиётда ва амалий соғлиқни сақлашда вирусли жараённинг ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврга таъсири, шунингдек ҳомиладорликда вирусли гепатитнинг кечиши ва натижаларига таъсири муаммоси юзага келади [Ridruejo E., Solano A., Marciano S. et al., 2021]. Парентерал вирусли гепатит билан оғриган аёлларда ҳомиладорлик асоратлари сони касалланмаган аёлларга қараганда деярли икки бараварга кўп ва туғруқ асоратлари 1,5 бараварга кўп кузатилади [Громова Н.И., Кюрегян К.К., Михайлов М.И. ва бошқ., 2021]. Вирусли гепатитнинг нафақат онанинг соғлиғига, балки ривожланаётган ҳомилага ҳам салбий таъсири аниқланган. СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда, соғлом ҳомиладор аёлларга қараганда, ҳомиланинг гипотрофияси кўпроқ

кузатилади ва перинатал ўлим фоизи юқори [Идрисова Л.Р., Лопаткина Т.Н., 2019].

Ҳозирги вақтда сурункали жигар касалликлари патогенезида цитокин тизимининг ўрни, шунингдек, организмнинг бошқа тартибга солиш тизимлари билан ўзаро таъсири механизмлари тадқиқотчиларнинг эътиборини тобора кўпроқ жалб қилмоқда [С.Н. Маммаев, Ш.Р. Рамазанов, А.О.Буеверов ва бошқ., 2018]. Иммуно тизимининг функциялари генетик назорат остида бўлганлиги сабабли, айниқса ҳомиладорлик пайтида аёлларда вирусли инфекцияларнинг сурункалилашувининг ва (СГВнинг) прогрессияланишининг авж олишининг иммуногенетик жиҳатлари тўғрисидаги савол ўринли бўлиб ҳисобланади. [Шапиро И.Я., Сек Ок Сун, Кноринг Б.Е., 2012]. Ўтган асрнинг ўрталарида концепция шакллантирилган бўлиб, унга кўра маълум бир касалликка мойиллик шахснинг генотибида патологик фенотип шаклида атроф-муҳит омиллари билан ўзаро таъсирлашганда амалга ошириладиган салбий ирсий фонни ташкил этувчи генларнинг маълум аллел вариантларининг бирикмасидан келиб чиқади [Коротчаева Ю.В. ва ҳаммуал., 2012]. Шунга кўра, баъзи одамлар вирусли инфекцияларга нисбатан нисбий резистентликка эга, бошқалари эса унинг кўзгатувчиси билан алоқада бўлганда касалликнинг ривожланишига мойил.

Онада вирусли инфекциянинг мавжудлиги ҳомиладорликнинг кечишига ва унинг натижаларига таъсир қилмаслиги, тўсатдан аборт хавфини оширмаслиги ва туғма нуқсонларнинг кўпайишига олиб келмаслиги аниқланган. Бироқ, жигар касаллигининг оғирлиги, яъни жигар циррози босқичининг мавжудлиги, жигарнинг зарарланиш ва/ёки холестазиининг фаоллигининг белгилари ҳомиладорликнинг ўзида асоратлар хавфини, ҳомила учун салбий оқибатларни келтириб чиқаради: фаол вирусли сурункали гепатитда, айниқса жигар циррози босқичида, гестознинг, ҳомиладорлик муддатидан олдин тўхташи хавфи ортади ва перинатал ўлим даражаси ошади.

Гепатопротектив таъсирли дори воситаларини излаш долзарб бўлиб, уларнинг ёрдамида сурункали гепатит В мавжуд ҳомиладорларда ҳомиладорлик пайтида асоратларни олдини олиш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институти ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот институти режасига мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади: вирусга қарши жавобнинг иммуногенетик патогенезини ўрганиш, сурункали вирусли гепатитда ташхисот алгоритмини ва ҳомиладорлик асоратларининг олдини олиш тамойилларини такомиллаштириш.

Тадқиқот вазифалари:

ҳомиладорлик даврида сурункали гепатит В нинг клиник-лаборатор белгиларини аниқлаш;

СГВ билан оғриган ҳомиладорларда жигар паренхимасидаги морфоструктуравий ўзгаришларни баҳолашда унинг эластографияси маълумотларини ўрганиш;

СВГ В билан оғриган ҳомиладор аёлларда ИЛ-28В генининг полиморфизмини ўрганиш;

СВГ В билан оғриган ҳомиладор аёлларда зардоб интерферонлари ва ИЛ-28В таҳлилини ўтказиш;

“Гептронг” маҳаллий гепатопротекторини киритиш орқали сурункали вирусли гепатит В да ҳомиладорлик асоратларининг такомиллаштирилган комплекс профилактикаси самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти: ҳомиладорлиги СГВ фонида кечган 95 нафар аёлда проспектив таҳлил ўтказилган. Назорат гуруҳи гепатит В бўлмаган 60 нафар ҳомиладор аёлдан ташкил топган.

Тадқиқот предмети: периферик қоннинг умумий кўрсаткичлари ва жигарни фибросканирлаш маълумотлари.

Тадқиқот усуллари: тадқиқот жараёнида тадқиқотнинг умумклиник, лаборатор, инструментал, иммуногенетик, иммунологик ва статистик усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ИЛ28 ген полиморфизми сурункали вирусли гепатит В билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг Т/Т и G/G генотиплари иштирокида Т полиморфизмининг кичик аллеллари rs12979860 ва G полиморфизмининг rs8099917 бўйича жигар фиброзининг ривожланиши ва прогрессирланишининг башоратли предиктори эканлиги биринчи марта исботланган;

ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларида ҳомиладор аёлларда сурункали вирусли гепатит В да интерферон гамма ва ИФН-лямбда фаоллигининг пасайиши ҳужайра иммунитетининг пасайишига ва вирус репликациясининг фаоллашувига олиб келиши илк марта исботланган;

гамма ва лямбда интерферонларининг камайиши фиброзга ўтиш билан жигарнинг функционал бузилишларини ривожланишида патогенетик рол ўйнаши исботланган;

ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврда асоратларни ривожланишининг олдини олишни ҳисобга олган ҳолда ҳомиладор аёлларни олиб бориш тактикасининг алгоритми модификацияланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали вирусли гепатит В бўлган ҳомиладор аёлларда фиброз даражасини баҳолаш учун жигар эластографиясини ўтказиш мақсадга мувофиқлиги исботланган;

амалий акушерликда ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги асоратларнинг ривожланишини камайтириш мақсадида маҳаллий гепатопротектор "Гептронг" ва "Вобензим" ни сурункали гепатитли ҳомиладор аёлларни олиб бориш протокоliga киритиш таклиф этилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларда замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, биокимёвий, иммунологик, инструментал ва

статистик усуллардан фойдаланиш билан тасдиқланганлиги, текширилган беморларнинг етарли сони, СГВ нинг акушерлик ва перинатал асоратларининг замонавий ташҳисот ва башоратли мезонларидан фойдаланиш, статистик таҳлил усулларининг асосли тўплами, шунингдек уларни тўғри қўллаш; олинган натижаларнинг хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги; хотима, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали вирусли гепатит В билан касалланган ҳомиладор аёлларда фиброзга ўтиш билан жигарнинг функционал бузилишларининг ривожланишида ИЛ28 гени полиморфизмининг, гамма интерферонининг ва ИФН-лямбданинг патогенетик ва прогностик ролини аниқлаш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижалари СГВ билан оғриган ҳомиладор аёлларнинг этиологияси, хавф омиллари, асоратларининг ривожланиш механизми ҳақидаги ғояларни кенгайтириши билан, жигарнинг функционал ва морфоструктуравий ўзгаришларининг ривожланиши билан ассоциирланган номзод-генларнинг аллел вариантлари аниқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. СГВ билан оғриган аёлларда ҳомиладорлик асоратларини башорат қилиш ва олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

амалий соғлиқни сақлашда қўллаш учун тавсия этилган “Сурункали вирусли гепатит В да ҳомиладорликнинг жигар асоратларининг комплекс профилактикасини оптималлаштириш усули” услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 16 майдаги 8-сонли хулосаси.). Услубий тавсияномада тақдим этилган СГВда ҳомиладорликни олиб боришга дифференциал ёндашув ҳомиладорликнинг асоратларини камайтиришга, перинатал даврни яхшилашга ва перинатал касалликларни камайтиришга имкон берган.

илмий тадқиқотлар натижалари амалий соғлиқни сақлашга жорий этилган: Хоразм вилояти перинатал маркази, Фарғона вилояти перинатал маркази (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 7 октябрдаги 8-сонли хулосаси.). СГВ да ҳомиладорликни олиб бориш учун ишлаб чиқилган ва таклиф қилинган дифференциал ёндашув перинатал асоратлар частотасини 13,8% га ва акушерлик асоратларини 8,3% га статистик жиҳатдан аҳамиятли камайтиришга имкон берган, бу эса юқори иқтисодий самарадорликка эришишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар

асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, хорижий илмий нашрларда 4 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хотима, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предметлари тавсифланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий асосланган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациясининг **“Сурункали вирусли гепатит В нинг ҳомиладорлик жараёнига таъсирининг долзарб масалалари (адабиётлар шарҳи)”** деб аталувчи биринчи бобида ҳомиладорликда сурункали вирусли гепатит В нинг эпидемиологик, клиник ва иммунопатогенетик жиҳатлари таҳлил қилинган адабиётларнинг таҳлилий шарҳи келтирилган. Физиологик ва патологик кечувчи ҳомиладорлик даврида жигардаги функционал ўзгаришларга алоҳида эътибор берилган. Ҳомиладорлик даврида жигар асоратларининг олдини олиш жиҳатлари келтирилган. Ушбу бобда адабиёт маълумотлари умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб аталувчи иккинчи бобида муаммонинг ечимини таъминловчи услубий ёндашув ва усуллар келтирилган.

Илмий иш СГВ фонидаги 95 ҳомиладор аёлнинг ретроспектив ва проспектив таҳлилини ўтказишга асосланган. Назорат гуруҳини гепатит В билан касалланмаган 60 нафар ҳомиладор аёллар ташкил этган.

СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг ёш градацияси 25 ёшдан 29 ёшгача (40%; 44 ҳомиладор аёл) ГВ нинг намоён бўлиши частотаси устунлик қилган 18 ёшдан 40 ёшгача бўлганлардан таркиб топган. Гепатит В билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг ўртача ёши $28,9 \pm 0,5$ ёшни ташкил этган.

СГВ ташҳиси юқумли касалликлар шифокорлари ва гепатологлар томонидан клиник текширув натижалари, лаборатор ва инструментал тадқиқот усуллари маълумотлари асосида тасдиқланган. Ташҳис Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 30.10.2000 йилдаги 560-сон ва 2012-йилдаги 5-сонли буйруғи асосида клиник-лаборатор маълумотлари билан тасдиқланган.

СГВ юқиш омилларини ўрганишда, 31,6% ҳолатларда (95 ҳомиладор аёлдан 30 таси) инфекция қайси йўл билан юққанлигини аниқлаб бўлмаган, бошқа ҳолларда эса стоматологга ташриф буюриш (18,9%), жарроҳлик аралашувлари (16,8%), маникюр (14,7%) ва қон билан касбий алоқа (тиббиёт ходимлари; 18,0%) катта эҳтимол билан касалликнинг юқиш сабаби бўлган.

Киритиш мезонлари:

1. Тадқиқотни ўтказиш учун аёлнинг маълумот олган тарздаги розилиги;
2. Ёши 18 ёшдан 40 ёшгача;
3. СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда - вирусли репликацияни тасдиқлаш (ИФА ва ПЗР билан).

4. Соғломлар учун - гепатит В ва С вируслари учун салбий серологик скрининг, рухий ва соматик касалликларнинг йўқлиги.

5. Вирусга қарши ва иммунмодуляцияловчи давони ҳомиладорликдан 6 ой олдин ўтказилмаганлиги

Истисновий мезонлар қуйидагилар эди:

1. СГВ нинг лаборатор тасдиқланишининг йўқлиги;
2. 18 ёшгача ва 40 ёшдан ошган ҳомиладор аёллар;
3. Анамнездаги оғир аллергик реакциялар;
4. Ҳомиладорликдан камида 6 ой олдин олдин ва ушбу ҳомиладорлик даврида вирусга қарши, иммунмодуляцияловчи давони ўтказиш;
5. Аутоиммун касалликлар ва бошқа оғир сурункали касалликлар;
6. ОИВ-инфекциясининг мавжудлиги, сифилис;
7. Аёлнинг тадқиқотда иштирок этишдан бош тортиши;
8. Герпес вирусли инфекцияларнинг қайта фаоллашуви.

Эпидемиологик анамнез маълумотларига асосланиб, тадқиқотга киритилган СГВ ва СГС билан касалланган ҳомиладор аёлларда инфекция юқишининг эҳтимолий йўллари ва/ёки хавф омилларининг қиёсий таҳлили ўтказилган.


Репликация босқичидаги (В18.1) СГВ ташҳиси беморларда қуйидаги мезонларни аниқлаш орқали қўйилган: а) ЎГВ нинг клиник-лаборатор белгиларининг йўқлиги; б) қонда вирус репликациясининг маркерлари аниқланганда (HBsAg, HBeAg, умумий анти- HBcore ва IgM мусбат ВГВ ДНК сига ижобий ПЗР); в) УТТ маълумотларига кўра цирроз белгиларининг йўқлиги; д) қонда вирусли гепатит А, С, D, E маркерларининг йўқлиги.

Бирламчи текшириш комплекси анъанавий клиник ва биокимёвий лаборатор кўрсаткичлари тўплами, УТТ ва серологик маркёрлар текширувини ўз ичига олган.

Патологияни аниқлаш учун ҳомиладор аёлларни текширишда TOSHIBA фирмаси (Япония) аппарати ёрдамида гепатобилиар худудни ултратовуш (УЗИ) орқали текшириш каби энг қулай инвазив бўлмаган инструментал тадқиқот усули қўлланилган. УТТ дан олдин барча ҳомиладор аёллар метеоризмни камайтириш учун тегишли тайёргарликдан ўтдилар.

Жигар зичлигини УТЭ (ультратовуш эластографияси) ёрдамида ўрганиш асосий гуруҳдаги СГВ билан касалланган 30 нафар ҳомиладор аёлда ва ҳомиладорлик нормал кечувчи 20 нафар ҳомиладор аёлда ўтказилган.

Жигарни фибросканерлаш натижалари - эластометрия натижаларига кўра куйидаги ҳолатлар ташҳисланган: F0 - соғлом жигар; F1 - F3 фиброз даражалари; F4-жигар циррози (1- расм).



1-расм. Жигар фибрози даражаси

Икки асосий аллел бўйича ИЛ-28В генининг иммунологик статусини ўрганиш ва полиморфизмини аниқлаш учун қўшимча усуллар: rs12979860 ва rs8099917 “Иммунология ва инсон геномикаси” институтида (директор, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Арипова Т.У.) амалга оширилган.

Сурункали вирусли гепатит В да ҳомиладорлик асоратларининг комплекс олдини олишнинг тавсия этилган усулининг самарадорлигини баҳолаш учун барча текширилган ҳомиладор аёллар 2 та кичик гуруҳга бўлинган:

1 кичик гуруҳ - 55 нафар СГВ билан оғриган ҳомиладор аёллардан иборат бўлиб, ЎзРес ССВ нинг баённомасига асосан “Гептронг” препарати қўшилган ҳолда ҳомиладорлик назорат қилинган дастлабки 6 кун давомида мушак орасига 6 мл дан, кейин жигарнинг шикастланиш даражасига кўра 10-15 кун давомида ҳар куни мушак орасига 3 мл дан инекция қилинган.

2-кичик гуруҳга, ЎзР ССВ баённомасига асосан ҳомиладорлиги назорат қилинган 40 нафар СГВ билан касалланган ҳомиладор аёллар кирган


Даволаш самарадорлигини баҳолаш учун клиник белгиларнинг (ҳолсизлик; тез чарчаш; иштаҳанинг йўқолиши; кўнгил айниши, қусиш; эпигастрал соҳада ўнг қовурға ости соҳасида оғирлик, оғрик; терининг қичиши; сариқлик; гепатомегалия), биокимёвий (бевосита ва билвосита биллирубин миқдори, АСТ, АЛТ ферментларининг фаоллиги, умумий оксил, глюкоза, холестерин миқдори) кўрсаткичларининг даволашдан олдин ва кейинги динамикаси инобатга олинган.

Олинган маълумотлар статистик функциялар мажмуасидан фойдаланган ҳолда EXCEL пакетида ишлаб чиқилган дастурлар ёрдамида статистик ишловдан ўтказилди. Ўртача қийматлардаги фарқлар $P < 0,05$ аҳамиятлилик даражасида ишонарли деб ҳисобланган.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Ҳомиларлик даврида сурункали гепатит В нинг клиник-лаборатор белгилари**» ўтказилган текширувларнинг маълумотлари келтирилган. Ҳомиладорликнинг СГВнинг клиник жиҳатдан кечишига таъсирини аниқлаш учун ҳомиладорлик СГВ (асосий гуруҳ) фонида давом этган 95 нафар ҳомиладор аёл ва назорат гуруҳини ташкил этган ҳомиладорлиги меъёрий кечган 60 нафар ҳомиладор


аёл текширилган. Асосий гуруҳда ҳомиладор аёлларнинг ўртача ёши $28,9 \pm 0,51$ ёшни, назорат гуруҳида эса $26,9 \pm 0,51$ ёшни ташкил этган. Назорат гуруҳида 20 ёшдан 25 ёшгача бўлган ҳомиладор аёллар (43,3%), асосий гуруҳда эса 30-35 ёшли аёллар (43,2%) кўпроқ кузатилган. Туғруқ паритети бўйича маълумотларини таҳлил қилган ҳолда, такрорий ҳомиладор бўлган аёллар ва такроран туққан аёллар кўпчилигини ташкил этганлиги (мас равишда 25,3%га қарши 29,5%) аниқланган (1-расм). Анамнезида бирламчи бепуштлик СГВ билан касалланган ҳомиладор аёллар орасида кам сонли 1,1% ҳолатларда (текширилган 95 тадан 1 нафарида) кузатилганлиги аниқланган.

Асосий гуруҳда СГВ ҳозирги ҳомиладорликдан олдин 78,9% да (95 ҳомиладор аёлдан 75 тасида) аниқланган бўлса, 21,1% ҳолатларда СГВ биринчи марта жорий ҳомиладорлик даврида рўйхатга олиш пайтида аниқланган (95 ҳомиладор аёлдан 20 таси). Касалликнинг давомийлиги 1 йилдан 13 йилгача бўлган (касалликнинг ўртача давомийлиги $3,15 \pm 0,37$ йил).



1-расм. Текширилган ҳомиладор аёллар паритети

Кўпинча СГВ ҳомиладорликнинг иккинчи ва учинчи триместрларида аниқланган, олинган маълумотлар 2-расмда келтирилган. Биринчи триместрда ҳомиладор аёлларда СГВнинг камдан-кам аниқланиши, эҳтимол, ОП да кеч рўйхатга олиш, шунингдек, юқумли касаллик бўйича мутахассисга кеч муружаат қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.



2-расм. Ҳомиладор аёлларда гестация даврига кўра СГВ ташҳисининг тасдиқланиши

Репликация фаза 31,6% ҳомиладорларда (95 нафар аёлдан 30 нафаридан), интеграция фазаси эса 68,4% ҳомиладорларда (95 нафар ҳомиладор аёлдан 65 нафаридан) аниқланган.

Ҳомиладор аёлларда СГВ нинг клиник хусусиятлари 1-жадвалда келтирилган. Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда интеграция фазасида, астеновегетатив синдром, кўнгил айниши/қусиш (87,7% га қарши 36,7%; $P<0,05$), иштаҳанинг бузилиши (69,2% га қарши 23,3%; $P<0,05$), тана ҳароратининг кўтарилиши (12,3% га қарши 6,7%; $P<0,05$) ишонарли даражада тез-тез қайд этилган. Шунингдек, тери қичиши ҳам 2 мартага тез-тез қайд этилган (18,5 га қарши 6,7%; $P<0,05$). Сариклик синдроми ҳомиладорларнинг 12,3% да фақатгина интеграция босқичида қайд этилган. СГВ нинг ушбу босқичида геморрагик кўринишларнинг мавжудлиги 2,5 мартага тез-тез қайд этилган (10,0% га нисбатан 24,6%; $P<0,05$). Жигарнинг катталашishi СГВ билан касалланган, текширилган барча ҳомиладор аёлларнинг 48,4% да қайд этилган. Бунда интеграция босқичида ҳомиладор аёлларнинг 63,1% да, репликация босқичида эса 3,8 мартага камроқ қайд этилган (16,7%; $P<0,05$). СГВ билан касалланган, текширилган ҳомиладор аёлларда жигар циррози белгилари аниқланмаган. СГВ репликация босқичида гепатомегалия ҳомиладор аёлларнинг 62,5% да топилган. Палпацияда жигар зич консистенцияли, юзаси силлик, аксарият пациентларда қовурға ёйи четидан 1-2 см чиқиб турган ва сезгир ҳолатда бўлган.

1-жадвал

Касалликнинг фазасига кўра ҳомиладор аёлларда СГВ нинг асосий симптомларининг частотаси

Асосий симптомлар	Репликация фазаси (n=30)		Интеграция фазаси (n=65)		Жами (n=95)	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Астеновегетатив синдром	15	50	61	93,8	76	80,0
Кўнгил айниши, қусиш	11	36,7	57	87,7*	68	71,6
Ўнг қовурға ости ёки эпигастрийда оғриқ	14	46,7	49	75,4	63	66,3
Иштаҳанинг бузилиши	7	23,3	45	69,2*	52	54,7
Тана ҳароратининг ошиши	2	6,7	8	12,3*	10	10,5
Тери қичиши	2	6,7	12	18,5*	14	14,7
Сариклик синдроми	0	0	8	12,3	8	8,4
Геморрагик белгилар	3	10	16	24,6*	19	20,0
Гепатомегалия	5	16,7	41	63,1*	46	48,4
Спленомегалия	0	0	4	6,2	4	4,2

Изоҳ: *- касаллик фазасига кўра гуруҳлар ўртасидаги маълумотларнинг ишончлилиги ($P<0,05$)

Эхографик кўрсаткичларни ўрганишда жигар ва қон томир тизимининг тузилишидаги ўзгаришлар, стеатоз, гепатоспленомегалия ва жигар ости лимфа тугунларининг катталашishi, фақатгина СГВ билан касалланган

ҳомиладор аёлларда 48,4% ҳолатларда содир бўлганлиги аниқланган. Қиёсий таҳлилда ўт пуфаги ва ошқозон ости безидаги ўзгаришлар соғлом ҳомиладор аёлларда ҳам кузатилганлиги, ammo СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда ишонарли даражада кўпроқ кузатилганлигини аниқлашга муваффақ бўлинган ($P<0,05$). Олинган маълумотлар 3-расмда келтирилган.



3-расм. СГВ билан касалланган ҳомиладор аёллар ва соғлом ҳомиладор аёлларда эхографик ўзгаришларнинг хусусиятлари

СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг 48,4% да гепатомегалия ва жигарнинг диффуз ўзгаришлари кузатилган. Аёлларнинг 31,6% да эхогенликнинг ошиши қайд этилган. СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг 15,8% да перипортал фиброз кузатилган. СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг 8,4% да портал вена диаметрининг 13 мм дан ошиши кузатилди. Айрим ҳолатларда, СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда стеатоз белгилари (1,1%), талоқ венасининг 10 мм дан ортиқ кенгайиши (1,1%) қайд этилган. Ҳомиладор аёлларнинг 2,1% да жигар ости лимфа тугунларининг катталашиши қайд этилган.

Ўт пуфаги деворининг қалинлашуви кўринишидаги сурункали холецистит белгилари СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда назорат гуруҳига нисбатан 2 мартага кўпроқ қайд этилган ($P<0,05$). Дисхолия белгилари соғлом ҳомиладор аёлларнинг 15% да ва СГВ билан касалланганларнинг 20% да кузатилган. Ошқозон ости безининг диффуз ўзгаришлари назорат гуруҳига нисбатан СГВ билан касалланган ҳомиладор аёллар гуруҳида энг кўп учради (5,0% га қарши 11,6%; $P<0,05$).

Клиник белгилар ва эхографик ўзгаришларнинг корреляцион таҳлили 4-расмда келтирилган.



4-расм. СГВнинг клиник белгилари ва жигардаги эхоген ўзгаришлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик

Астеник синдром ва диффуз жигар ўзгаришлари ўртасида ўртача кучли боғлиқлик аниқланган. СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда эпигастрийдаги оғрик синдроми гепатомегалия ва жигарнинг эхогенлигининг кучайиши билан корреляцияланиб, муносабатнинг ўртача кучи, шунингдек ўт пуфаги деворининг юқлашиши билан тавсифланади. Гепатомегалия ва жигарнинг зич консистенциясининг мавжудлиги, томир кўринишининг сусайиши ва талоқ венасининг диаметри билан ўртача ижобий боғлиқлик аниқланган.

Шундай қилиб, СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда жигарнинг функционал зарарланишига хос бўлган эхоген ўзгаришлар аниқланган.

Кейинги босқичда СГВ билан касалланган 30 нафар ҳомиладор аёлларда эластография ўтказилган. Олинган эластография маълумотларини таҳлил қилишда, F0 босқичи ҳомиладор аёлларнинг 16,7% да (30 дан 5 тасида), F1 босқичи 53,3% да (30 дан 16 тасида), фибрознинг F2, F3 даражалари эса 20% (30 тадан 6 таси) ва 10,0% (30 тадан 2 таси) да қайд этилган. Қиёсланган гуруҳларда жигар зичлигининг ўртача кўрсаткичлари асосий гуруҳда $10,1 \pm 4,9$ кПА (4,2 дан 25,1 кПА гача бўлган вариацион қатор) ни ташкил этган, бу назорат гуруҳига нисбатан - $5,0 \pm 0,5$ кПа ($P < 0,05$) 2 бараварга юқори бўлган.

Гестацион асоратларни таҳлил қилишда, эрта токсикознинг нисбатан юқори бўлишига эътибор қаратилган - соғлом аёлларга қараганда СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда 2,2 бараварга кўп (назорат гуруҳидаги 11,7% га нисбатан 25,4%; $P < 0,05$).

Гематологик таҳлил шуни кўрсатганки, СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда гемоглобин миқдори назорат гуруҳидаги ҳомиладор аёлларга қараганда ишонарли даражада камайган ($P < 0,001$). Шунингдек, периферик қондаги эритроцитлар даражаси ишонарли даражада камайган ($P < 0,001$). Шуни таъкидлаш керакки, СГВ билан касалланган ҳомиладор аёллар гуруҳида тромбоцитлар сони ишонарли даражада ошган ва ўртача

234±1,96 бирлик/л; P<0,01 га етган. СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда назорат гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан лейкоцитларнинг ишонарли даражада ўсиши аниқланган (P<0,01). СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда ЭЧТ нинг деярли 3 бараварга ортиши аниқланган, бу ўртача 22,±1,46 мм/соатга етган (P<0,001).

Олинган маълумотларни таҳлил қилишда, СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда камқонлик 94,7% ҳолатларда (95 аёлдан 90 нафариди), ҳомиладорлик меъёрий кечувчи аёлларда эса камқонлик 2 бараварга камроқ бўлиб, 46,7% (60 ҳомиладор аёлдан 28 таси) ни ташкил этганлигини аниқланган.

СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда анемиянинг мавжудлиги қизил тана ҳужайраларида компенсатор механизмларининг бузилиши мавжудлигини кўрсатади, келажакда бу механизмлар жигарда патологик ўзгаришларни келтириб чиқаради. Шу муносабат билан анемия жигарда функция бузилишининг ривожланишига олиб келадиган асосий хавф омилларидан бири бўлиши мумкин, шунингдек, ушбу патологик жараённинг ривожланишининг маркери бўлиши мумкин.

СГВ билан оғриган ҳомиладор аёлларнинг лаборатор текширувида ўртача гипербилирубинемия, ифодаланмаган гипертрансферинемия, албуминнинг камайиши туфайли юзага келган диспротеинемия аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал

СГВ билан касалланган ҳомиладорларда жигар фаунциясининг биокимёвий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=60)	Асосий гуруҳ (n=95)	Гуруҳлар ўртасидаги маълумотларнинг ишончлилиги
Умумий оқсил, г/л	70,5±2,8	50,12±1,1	P<0,05
Албумин, г/л	53,5±1,6	44,18±0,9	P<0,05
Умумий билирубин, мкмоль/л	10,1±4,2	16,34±0,5	P<0,05
АЛТ, бирлик /мл	23,9±7,52	50,58±1,9	P<0,01
АСТ, бирлик /мл	20,4±8,3	40,17±1,8	P<0,05
Ишқорли фосфатаза, бирлик /л	186,2±17,6	288,93±2,8	P<0,05
ГГТП, ммоль/л	28,9±4,6	48,05±2,3	P<0,05
ЛДГ, U/L	308,1±22,6	497,31±6,2	P<0,05
Глюкоза, ммоль/л	3,8±1,06	4,55±0,07	-
Креатинин, мкмоль/л	76,5±19,8	80,41±0,6	-
Мочевина, ммоль/л	4,15±0,8	5,79±0,8	P<0,05

Жигарнинг оқсил ҳосил қилувчи функциясини ўрганишда назорат гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан умумий оқсилнинг ўртача кўрсаткичларининг 1,4 бараварга пасайиши қайд этилган (P<0,05). Асосий гуруҳдаги АЛТ ва АСТ даражалари назорат гуруҳидаги маълумотлардан мос равишда 2,1 ва 2,0 мартага (P<0,05) ишонарли даражада ошган.

Ишқорли фосфатаза гепатоцитлар мембранаси билан чамбарчас боғланган, унинг қон зардобидаги юқори қийматлари эса гепатоцитлар фаолиятининг бузилиши, гепатотоксиклик белгилари, жигар паренхимасининг шикастланиши натижасидир. Асосий гуруҳдаги ишқорли фосфатазанинг ўртача қийматлари назорат гуруҳидаги маълумотларга нисбатан 1,6 бараварга ошган ($P<0,05$).

Асосий гуруҳдаги ҳомиладор аёлларнинг қонидаги билирубиннинг ўртача даражаси $16,34\pm 0,5$ мкмол/л ни ташкил этган ва назорат гуруҳи кўрсаткичларига қараганда 1,6 бараварга юқори бўлган ($P<0,05$). Ҳомиладор аёлларнинг асосий гуруҳида албумин кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан 1,2 мартага камайган ($44,18\pm 0,9$ га қарши $53,5\pm 1,6$ г/л; $P<0,05$).

Асосий гуруҳда ГГТП ва ЛДГ кўрсаткичлари ҳам назорат гуруҳининг қийматларидан 1,7 ва 1,6 бараварга юқори бўлган ($P<0,05$). АЛТ, АСТ, ЛДГ ферментларининг фаоллигининг ошиши СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда цитоллиз синдроми ва жигар-хужайралари етишмовчилиги синдромини тасдиқлаган. Ҳомиладор аёлларда СГВ кечишининг клиник-лаборатор хусусиятларини таҳлил қилиш жигарнинг функционал синамалари меъёр кўрсаткичидан енгил оғишини кўрсатган.

Шундай қилиб, СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда фиброз даражасини аниқлаш учун инвазив бўлмаган усул бўлган жигар функциясининг биокимёвий маркерларини ўз ичига олган кенг қамровли текширув ўтказиш керак.

Диссертациянинг “**Сурункали вирусли гепатит В билан касалланган ҳомиладор аёлларда иммунитетнинг вирусга қарши потенциал фаолиятининг хусусиятларини ўрганиш**” деб аталувчи тўртинчи бобда текширилган ҳомиладор аёллар орасида вирусга қарши иммунитетнинг молекуляр-генетик маълумотлари келтирилган. Ўтказилган генетик тадқиқотлар натижасида назорат гуруҳида ИЛ28 нинг rs12979860 локусининг қуйидаги генотиплари ажратиб кўрсатилганлигини аниқладик (3-жадвал)

3-жадвал

СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда ва назорат гуруҳида ИЛ28 генида rs12979860 полиморфизмининг аллеллари ва генотипларини аниқлаш.

Аллел/генотип	Назорат гуруҳи (n=32)		Асосий гуруҳ (n=55)		
	n	%	n	%	
С	45	70,3	62	56,4	$\chi^2=24,64$; $p=0,05$; OR=0,680; 95% CI 0,441-1,049; df=0,014
Т	19	29,7	48	43,6	
С/С	17	53,1	19	34,5	$\chi^2 =13,24$; $p=0,05$; OR=0,716; 95% CI 0,473-1,085; df=0,030
С/Т	11	34,4	24	43,6	
Т/Т	4	12,5	12	21,8	

Шундай қилиб, СТ, ТТ генотипларининг салбий полиморфизми rs12979860 нинг частотаси назорат гуруҳида мос равишда 34,4% ва 12,5%, СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда эса 43,6% ($\chi^2=12,87$; $p=0,05$;

OR=0,788; 95% CI 0,448-1,386) ва 21,8% ($\chi^2=5,89$; $p=0,05$; OR=0,573; 95% CI 0,202-1,386) ни ташкил этган.

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда rs12979860 полиморфизмининг Т аллелининг учраш частотасининг ошиш тенденцияси мавжуд бўлиб, бу номақбул ҳолат бўлиб ҳисобланади.

ИЛ28 генининг rs12979860 полиморфизм гени минор аллели Т нинг СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда жигар шикастланишининг функционал белгилари билан корреляцияси таҳлили биокимёвий маркерлар ва эластография кўрсаткичлари билан сезиларли ўзаро алоқалари аниқланган (4-жадвал).

4-жадвал

ИЛ28 генининг rs12979860 полиморфизмининг Т минор аллелининг СГВ бўлган ҳомиладор аёлларда жигар шикастланишининг функционал белгилари билан корреляцион боғлиқлиги

Кўрсаткичлар	Т минор аллели	
	R	p
Умумий оқсил, г/л	-0,521	<0,05
Албумин, г/л	-0,280	>0,05
Умумий билирубин, мкмол/л	0,560	<0,05
АЛТ, Бирлик/мл	0,621	<0,05
АСТ, Бирлик /мл	0,789	<0,01
ИФ, Бирлик /л	0,231	>0,05
ГГТП, ммол/л	0,801	<0,01
ЛДГ, U/L	0,451	<0,05
Карбамид, ммол/л	0,623	<0,05
F0	0,256	>0,05
F1-2	0,456	<0,05
F3-4	0,689	<0,01

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, биллирубин, АЛТ, АСТ, ГГТП, ЛДГ, мочевина кўрсаткичлари билан ишонарли ижобий ўзаро алоқалар аниқланган ($P<0,05-0,01$).

Шунингдек минор Т аллелининг учраши ва эластографияга кўра фибрознинг даражаси ўртасида ҳам боғлиқлик аниқланган, шундай қилиб F1-2 ($r=0,456$; $P<0,05$) билан ижобий тўғридан-тўғри ўртача боғлиқлик ва F3-4 билан кучли ($r=0,689$; $P<0,01$) боғлиқлик аниқланган. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, ИЛ28 генининг rs12979860 полиморфизмининг Т минор аллели СГВ бўлган ҳомиладор аёлларда жигар фиброзининг ривожланиши ва прогрессияланишининг белгиси бўлиши мумкин.

Кейинги босқичда ИЛ28 генининг rs8099917 полиморфизми таҳлил қилинган. Шундай қилиб, назорат гуруҳидаги ИЛ28 генининг rs8099917 локусининг номақбул TG ва GG генотиплари 37,5% ва 6,2% ҳолларда, ХГВ бўлган ҳомиладор аёлларда эса мос равишда 50,9% ва 9,1% да ажратилган ($\chi^2=2,57$; $p=0,05$; OR=1,455; 95% CI 0,299-7,068). Олинган маълумотлар 5-жадвалда келтирилган.

Тақдим этилган маълумотлардан кўришиб турибдики, СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда rs8099917 полиморфизмининг G аллелининг учраш частотасининг ортиши тенденцияси мавжуд бўлиб, бу салбий ҳолат ҳисобланади.

5 жадвал

Назорат гуруҳидаги ва СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда ИЛ28 генида rs8099917 полиморфизмининг аллеллари ва генотипларини аниқланиши

Аллел/генотип	Назорат гуруҳи (n=32)		Асосий гуруҳ (n=55)		
	n	%	n	%	
T	48	75	72	65,5	$\chi^2 = 19,86$; $p=0,05$; $OR=0,724$; 95% CI 0,441-1,189; $df=0,016$
G	16	25,0	38	34,5	
T/T	18	56,3	22	40	$\chi^2 = 2,57$; $p=0,05$; $OR=1,455$; 95% CI 0,299-7,068; $df=0,031$
G/T	12	37,5	28	50,9	
G/G	2	6,2	5	9,1	

Шундай қилиб, агар назорат гуруҳида бу аллел 25,0% ҳолларда аниқланган бўлса, асосий гуруҳда эса ўсиш тенденциясига эга бўлиб, унинг аниқланиш частотаси - 34,5% ни ташкил этган. Бироқ, статистик ишқилиқ аниқланмаган. Бу, эҳтимол, СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг танловининг кичиклиги билан боғлиқ.

ИЛ28 генининг rs8099917 полиморфизми G минор аллелининг СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда жигар шикастланишининг функционал белгилари билан ўтказилган корреляцион таҳлили биокимёвий маркерлар ва эластография кўрсаткичлари билан ишончли боғлиқликлар аниқланган (6 жадвал).

6-жадвал

ИЛ28 генининг rs8099917 полиморфизмининг G минор аллелининг СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда жигар шикастланишининг функционал белгилари билан ўзаро боғлиқлиги.

Кўрсаткичлар	Кичик аллел T	
	r	p
Умумий оқсил, г/л	-0,321	<0,05
Альбумин, г/л	-0,278	>0,05
Умумий биллирубин, мкмол/л	0,460	<0,05
АЛТ, бирлик/мл	0,722	<0,05
АСТ, бирлик /мл	0,801	<0,01
Ишқорли фосфатаза, бирлик /л	0,148	>0,05
ГГТП, ммол/л	0,834	<0,01
ЛДГ, U/L	0,562	<0,05
Мочевина, ммол/л	0,496	<0,05
F0	0,193	>0,05
F1-2	0,385	<0,05
F3-4	0,587	<0,01

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, биллирубин, АЛТ, АСТ, ГГТП, ЛДГ, мочевино кўрсаткичлари билан ижобий ишончли алоқалар аниқланган ($P < 0,05-0,01$). G минор аллелининг учраши ва эластографияга кўра фиброз даражаси ўртасида ҳам боғлиқлик мавжуд, шундай қилиб F1-2 ($r=0,384$; $P < 0,05$) билан ижобий тўғридан-тўғри ўртача ва F3-4 билан кучли ($r=0,581$; $P < 0,01$) муносабатлар аниқланган. Олинган маълумотлар шуни кўрсатганки, ИЛ28 генининг rs8099917 полиморфизмининг G минор аллели СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда жигар фиброзининг ривожланишининг ва прогрессияланишининг белгиси бўлиши мумкин.

Гепатит В билан касалланган ҳомиладор аёллар гуруҳида ИФН-гамма миқдорини таҳлил қилинганда, қон зардобиди ИФН-гамма миқдори назорат гуруҳининг қиймати билан пасайганлиги аниқланган. Шундай қилиб, гепатит В билан касалланган ҳомиладор аёллар гуруҳида ИФН-гамма қиймати $4,82 \pm 1,4$ пг/мл ни ташкил этганлиги аниқланди, амалда соғлом ҳомиладор аёлларда эса $-14,2 \pm 0,9$ пг/мл ($P < 0,01$) ни ташкил этган, бу ишонарли фарқни кўрсатган.

Шуни таъкидлаш керакки, қон зардобиди ИФН-гамма миқдори назорат қийматлари билан солиштирилганда 3,4 бараварга камайган ва ИФН-лямбда даражаси 4,2 марта камайган, бу ҳам вирусга қарши иммунитет тизимининг фаоллигининг сусайишидан далолат берган (7-жадвал)

7 жадвал

СГВ билан касалланган ҳомиладор аёлларда иммун тизимининг асосий интерферонларининг ҳолати, пг / мл

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи	СГВ билан касалланган аёллар тадқиқот гуруҳининг қийматлари
ИФН-гамма, пг/мл	$14,22 \pm 0,54$	$4,82 \pm 1,4$ *
ИФН-лямбда, пг/мл	$12,8 \pm 0,75$	$3,74 \pm 0,92$ *

Изоҳ: *- ўрганилаётган аёллар гуруҳлари ўртасидаги фарқлар ишончилиги ($P < 0,05$)

